



# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil « 31 » январь

№ ПҚ–49

## Нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш ва ушбу жараёнга тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш имкониятларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон–2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–300-сон қарорига мувофиқ, ўқувчиларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш, халқаро стандартларга жавоб берадиган таълим ташкилотларининг замонавий қиёфасини яратиш ҳамда ушбу жараёнга тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтиришнинг **асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш орқали янги ўқувчи ўринларини яратиш;

ҳудудларда бўш турган давлат мулки объектларини аниқлаш ҳамда кейинчалик ушбу бинолардан нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш учун фойдаланиш;

тадбиркорлик субъектларига нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш учун зарур бўлган ер участкаларини аниқлаш, ваколатли орган билан келишиш учун “Yerelektron” автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш ҳамда белгиланган тартибда “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали мулк ёки ижара ҳуқуқи асосида реализация қилиш.

**2. Белгилансинки, нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотларининг фаолиятини янада кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида 2025 йил 1 январдан бошлаб:**

нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш учун тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан бозор фоиз ставкаларида миллий валютада ажратиладиган, қиймати **20 миллиард** сўмгача бўлган кредитлар бўйича, фоиз ставкасининг Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, лекин унинг **1,5 бараваридан кўп бўлмаган** қисмини қоплаш учун Давлат бюджети ҳисобидан **компенсация** тақдим этилади;

нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари учун биноларни янгидан қурган ёки ўзининг бино ва иншоотларида умумий ўрта таълим фаолиятини йўлга қўйган тадбиркорлик субъектларига **5 йил муддатга** ушбу таълим ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ бўлган **коммунал харажатларининг 50 фоизи** Давлат бюджетидан қоплаб берилади;

**2030 йил 1 январга** қадар юридик шахсларга ўз маблағлари ҳисобидан нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари биноларини қуриш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг фойда солиғини ҳисоблашда икки йил давомида тенг улушларда чегириб ташлаш ҳуқуқи берилади.

Бунда, нодавлат умумий ўрта таълим ташкилоти томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларини бепул ўқишга қабул қилиш бўйича лицензия талаблари бажарилмаган тақдирда, мазкур бандда назарда тутилган имтиёз ва компенсациялар суммаси ушбу ташкилот томонидан Давлат бюджетига қайтарилади.

**3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳар йили:**

**1 мартга қадар** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан биргаликда демографик ўсиш, аҳоли жойлашуви ва зичлигини ҳисобга олган ҳолда, келгуси йилларда янги нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида мақбул ер участкаларини аниқласин;

**1 апрелга қадар** янги нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотларига бинолар қуриш мақсадида республика бўйича **умумий майдони 50 гектар** ер участкасидан кам бўлмаган манзилли рўйхатни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**1 майга қадар** тасдиқланган манзилли рўйхатга асосан ер участкаларини “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали электрон онлайн-аукцион савдоларига мулк ёки ижара ҳуқуқи асосида чиқарсин.

Белгилансинки, мазкур бандга мувофиқ аукцион савдоларида 3 ойдан ортиқ муддат сотилмай турган ер участкалари савдодан ечилмасдан бошланғич нархини қадамма-қадам **50 фоизгача пасайтириш** механизмини қўллаган ҳолда, такрорий аукцион савдоларига чиқарилади.

**4.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари учун бинолар қуриш ва реконструкция қилиш ишлари учун ҳомийлик хайрияларини йўналтирган тадбиркорлик субъектлари раҳбарларини давлат мукофотларига номзодлар сифатида тавсия этиш амалиётини йўлга қўйсин.

**5.** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотларини давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш тартибини белгилаш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин.

**6.** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **уч ой муддатда:**

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ушбу қарордан келиб чиқадиган тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**7.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда мактабгача ва мактаб таълими вазири Х.Ў. Умарова белгилансин.

**8.** Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри



Ш. Мирзиёев



## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil « 31 » января

№ ПП–49

### **О мерах по расширению сети негосударственных общих средних образовательных организаций и повышению возможности привлечения субъектов предпринимательства в данный процесс**

В соответствии с постановлением Президента Республики Узбекистан от 11 сентября 2023 года № ПП–300 «О мерах по качественной и своевременной реализации Стратегии «Узбекистан – 2030» в 2023 году» и в целях формирования у учащихся современных знаний и навыков, создания отвечающего международным стандартам современного облика образовательных организаций, а также дальнейшего расширения возможностей привлечения субъектов предпринимательства в данный процесс:

**1. Определить основными направлениями расширения сети негосударственных общих средних образовательных организаций:**

создание новых ученических мест путем расширения сети негосударственных общих средних образовательных организаций на основе государственно-частного партнерства;

выявление в регионах пустующих объектов государственной собственности, а также эксплуатацию в последующем данных зданий для налаживания деятельности негосударственных общих средних образовательных организаций;

выявление необходимых субъектам предпринимательства земельных участков для налаживания деятельности негосударственных общих средних образовательных организаций, включение их в автоматизированную информационную систему «Yerelektron» для согласования с уполномоченным органом, а также реализацию земельных участков на основе права собственности или права аренды посредством электронной торговой платформы «E-auksion» в установленном порядке.

**2.** Установить, что в целях дальнейшего расширения и поддержки деятельности негосударственных общих средних образовательных организаций начиная с 1 января 2025 года:

по кредитам в размере до 20 миллиардов сумов, выделяемым за счет собственных средств коммерческих банков в национальной валюте по рыночным процентным ставкам для организации деятельности негосударственных общих средних образовательных организаций, за счет Государственного бюджета предоставляется компенсация на покрытие части процентной ставки, превышающей основную ставку Центрального банка, но не более ее 1,5-кратного размера;

субъектам предпринимательства, построившим новые здания для негосударственных общих средних образовательных организаций или наладившим деятельность по общему среднему образованию в собственных зданиях и сооружениях, за счет Государственного бюджета в течение 5 лет покрывается 50 процентов коммунальных расходов, связанных с функционированием данных образовательных организаций;

юридическим лицам до 1 января 2030 года при исчислении налога на прибыль предоставляется право на вычет в равных долях в течение двух лет расходов, связанных со строительством за счет собственных средств зданий негосударственных общих средних образовательных организаций.

При этом в случае невыполнения негосударственной общей средней образовательной организацией лицензионных требований по приему на учебу на бесплатной основе детей из семей, нуждающихся в социальной защите, сумма льгот и компенсаций, предусмотренных в настоящем пункте, возвращается данной организацией в Государственный бюджет.

**3.** Совету Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятам областей и города Ташкента ежегодно:

до 1 марта совместно с Министерством дошкольного и школьного образования определить оптимальные земельные участки в целях налаживания деятельности новых негосударственных общих средних образовательных организаций на последующие годы с учетом демографического роста, расселения и плотности населения;

до 1 апреля внести в Кабинет Министров на утверждение адресный перечень земельных участков общей площадью не менее 50 гектаров по республике в целях строительства зданий для новых негосударственных общих средних образовательных организаций;

до 1 мая выставить на электронные онлайн-аукционные торги земельные участки посредством электронной торговой платформы «E-auksion» на основе утвержденного адресного перечня.

Установить, что земельные участки, остающиеся нереализованными в течение более трехмесячного срока на аукционных торгах в соответствии с настоящим пунктом, без снятия с торгов, с применением механизма поэтапного снижения первоначальной стоимости в размере до 50 процентов повторно выставляются на аукционные торги.

4. Совету Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятам областей и города Ташкента наладить практику рекомендации в качестве претендента на государственные награды руководителей субъектов предпринимательства, которые направили благотворительные пожертвования на строительство и реконструкцию зданий для негосударственных общих средних образовательных организаций.

5. Министерству дошкольного и школьного образования совместно с Министерством экономики и финансов в двухмесячный срок разработать проект нормативно-правового акта об определении порядка дополнительной поддержки государством негосударственных общих средних образовательных организаций.

6. Министерству экономики и финансов в трехмесячный срок внести в Кабинет Министров:

проект закона о внесении соответствующих изменений в Налоговый кодекс Республики Узбекистан, вытекающих из настоящего постановления;

совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами предложения об изменениях и дополнениях в акты законодательства, вытекающих из настоящего постановления.

7. Возложить на заместителя Премьер-министра – министра экономики и финансов Кучкарова Д.А. и министра дошкольного и школьного образования Умарову Х.У. персональную ответственность за эффективную организацию исполнения настоящего постановления.

8. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н.

**Президент  
Республики Узбекистан**

город Ташкент



**Ш. Мирзиёев**